

**Дилдора РАДЖАБОВА, Абдуллазиз РАДЖАБОВ**  
*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси*

## **ДАВЛАТ ЭГАЛИГИДАГИ КОРХОНАЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ЧЕКЛАШ ИСЛОҲОТЛАРИ**

**Аннотация:** Мазкур тадқиқотда Ҳукумат томонидан давлат корхоналарининг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш йўлида қўрилаётган чоралар йўналишлари таҳлил қилинган. Хусусан, давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш бўйича қонунчиликка киритилган чекловлар, давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолият кўрсатиши жараёнида қўшимча талаблар белгиланганлиги, ушбу чораларнинг давлат иштирокидаги корхоналарни янгидан ташкил этилишига таъсири таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** давлат иштирокидаги корхона, давлат муассасаси, давлат улуши, давлат-хусусий шериклиги, давлат вазифаларини аутсорсингга бериш.

## **REFORMS TO RESTRICTION THE ENTREPRENEURSHIP OF STATE ENTERPRISES**

**Abstract:** This study analyzes the measures taken by the Government to reduce the participation of state enterprises in the economy. In particular, the restrictions included in the legislation on the creation of state enterprises, the establishment of additional requirements for the functioning of state enterprises, the impact of these measures on the creation of new state enterprises were analyzed.

**Keywords:** state enterprise, state institution, state share, public-private partnership, outsourcing of state functions.

### **Кириш**

Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётдаги давлат иштирокидаги корхоналарнинг улушини ҳамда таъсир кўламини қисқартириш бўйича чоралар комплекс характерга эга бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат эгалигидаги корхоналар учун берилган имтиёз ва преференцияларни бекор қилиш. Бу чоралар нафақат солиқ, божхона тўловлари ва расмийлаштирувчи бўйича имтиёзларни, балки давлат томонидан бино-иншоотлар ва ер майдонларини имтиёзли шартларда ажратиб бериш, текширувларни ўтказишдаги енгилликлар, сертификат ва лицензия шартлари учун берилган енгилликлар, арзон ва имтиёзли молиявий ресурслар ажратишни, салоҳиятли кадрлар билан таъминлашни кўзда тутди.

- давлат корхоналарида хусусий сектор билан рақобат қилишда устунлик берувчи шартларни бекор қилиш, хусусий секторнинг иқтисодийдаги доминант ролини таъминлаш учун уларни рағбатлантириш;

- давлат идораларининг иқтисодий соҳа ва тармоқларини тартибга солиш ҳамда хўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ функцияларини ажратиш, мустақил регуляция институтларини яратиш;

- авваллари давлатнинг монопол эгалигида бўлган ёки хусусий сектор эркин фаолият кўрсатиши имконияти бўлмаган тармоқларда хусусий сектор учун бозор яратиб бериш;

- давлат функциялари ва хизматларини хусусий секторга ўтказиш, бунда давлат-хусусий шерикчилиги, аутсорсинг, аутстаффинг шаклларида кенг фойдаланиш;

- давлат корхоналарининг сонини қисқартириш, бунда истиқболли корхоналарни хусусий секторга сотиш, истиқболсиз корхоналарни тугатиш ёки кўшиб юбориш.

Ўз навбатида, давлат корхоналарининг сонини қисқартириш бўйича кўрилаётган чоралар **2 та** йўналишни қамраб олади:

**Биринчи йўналиш** – мавжуд давлат корхоналарини сотиш орқали хусусий секторга ўтказиш, истиқболсиз давлат корхоналарини тугатиш. Мазкур йўналишда республикада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида алоҳида тадқиқотлар доирасида тўхталиб ўтилади.

**Иккинчи йўналиш** – янги давлат корхоналарининг вужудга келишининг олдини олиш, мавжуд давлат корхоналарининг фаолият кўлами ошишининг олдини олишга қаратилган меъёрларни белгилаш.

### **Адабиётлар шарҳи**

Иқтисодийда хусусий ва давлат мулки улушининг ўзаро нисбати, хусусийлаштиришнинг афзалликлари ва мунозарали жиҳатлари жуда кўп ўрганилган. Ўтказилган таҳлилларга кўра, давлат иштирокидаги корхоналарга нисбатан хусусий мулк шаклидаги корхоналарнинг фаолияти самаралироқ эканлиги исботланган [1].

Жумладан, иқтисодчилар D'Souza ва Megginson тадқиқотида жами **85 та**, штаб-квартираси **15 та** ривожланган давлатларда жойлашган **58 та** ҳамда **13 та** ривожланаётган мамлакатлардаги **27 та** компаниянинг фаолияти таҳлил қилиш натижасида, хусусийлаштириш самара олиб келганлиги асосланган [2].

Чили университети ҳамда Гарвард университетининг Халқаро ривожланиш маркази вакили Родриго Вагнер, корхонанинг бозор қиймати аниқланиши учун унинг акциялари фонд бозорида олди-сотди қилиниши шартлигини, акциялари 100 фоиз давлат эгалигида бўлган ва фонд

бозорларида олди-сотди қилинмаётган корхоналар учун бозор қиймати мавжуд эмаслиги тўғрисидаги илгари сурган фикри диққатга сазовор. Уларнинг фикрича, бундай корхоналарнинг бозор қийматини аниқлашнинг шарти сифатида уларни хусусийлаштириш зарур ҳисобланади [3].

### **Тадқиқот методологияси**

Илмий тадқиқотни илмий абстракциялаш, таққослаш, умумлаштириш, сабаб-оқибат алоқадорлиги, қиёсий ва динамик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган. Бунда, Ўзбекистонда давлат иштирокидаги корхоналарнинг қисқариши таҳлил қилинади.

Қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар натижасида, янгидан давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш жараёнининг секинлашганлиги, бунинг натижасида хусусий сектор корхоналарининг бозорда фаолияти учун кенг имконият берилаётганлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин.

### **Таҳлил ва натижалар**

Сўнгги йилларда қонунчиликни такомиллаштириш доирасида янги давлат корхоналарини тузилишини чеклашга қаратилган ҳуқуқий нормалар киритилди. Жумладан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги [4] ҳамда “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги [5] қонунларга асосан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, агар қонунчиликда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, жамиятнинг иштирокчилари бўлишга ҳақли эмаслиги белгиланган.

“Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги [6] қонуннинг 14-моддасига кўра, давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқи қуйидаги асосларга кўра вужудга келади:

- фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган асосларга кўра;
- шартномалар ва бошқа битимлар тузилганда, шу жумладан гарчи қонунда назарда тутилмаган бўлса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ҳамда бошқа битимлар тузилганда;
- мол-мулкни ва (ёки) мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини, солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорликни, шунингдек давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендларни хўжалик жамиятининг устав фондига (устав капиталига) киритиш йўли билан улушни олишда;
- суд қарорлари асосида.

“Рақобат тўғрисида”ги [7] қонуннинг 24-моддасида давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишига қуйидаги ҳолатларда йўл қўйилмаслиги белгиланган:

беш ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъекти товар ёки молия бозорида фаолият юритиб келаётган, рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокидаги корхона ва унинг аффилиланган шахсларини ташкил этишга;

республика ижро этувчи ҳокимият органларига ва бошқа ташкилотларга фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни амалга ошириш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, махсус электрон тизим воситасида хабарномаларни қабул қилиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш ёки аккредитация қилиш ваколатлари берилган соҳаларда ушбу органлар ва бошқа ташкилотлар томонидан улар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишга;

ягона етказиб берувчи бўлган ёки ўзига мазкур ҳуқуқ берилган ёхуд устун маъқега эга бўлган давлат иштирокидаги корхона томонидан фаолияти муассиснинг товарларидан (ресурсларидан) ёки тармоқ инфратузилмасидан фойдаланишга боғлиқ бўлган ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари билан рақобатлашадиган фаолият билан шуғулланадиган, ушбу корхонага аффилиланган шахсларни ташкил этишга;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг рақобат ривожланган соҳаларда ўз асосий фаолиятига боғлиқ бўлмаган қўшимча фаолият билан шуғулланишига.

Таъкидлаш лозимки, беш ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъекти товар ёки молия бозорида фаолият юритиб келаётган, рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокидаги корхона ташкил этишга чеклов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6019-сон фармони [8] билан белгиланган.

Қонунчиликка мувофиқ, давлат идоралари:

давлат иштирокидаги корхоналарни ва уларнинг аффилиланган шахсларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш)да;

хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги улушлар республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, давлат иштирокидаги корхоналар томонидан олинганда;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг ҳамда ушбу корхоналар аффилиланган шахсларининг фаолият тури ўзгарганда монополияга қарши курашиш органининг ҳулосасини олиши лозим.

Шунга қарамасдан, давлат корхоналари реестрига кўра, 2020 йилдан кейин 300 тага яқин янги давлат иштирокидаги корхоналар ташкил этилган.

**1-жадвал**

**Давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этишнинг монополияга қарши орган илан келишилиши ҳолати [9]**

Т/р	Йиллар	Давлат иштирокидаги корхонани ташкил этиш бўйича мурожаатлар	шундан, рад этилган мурожаатлар сони
1	2021й	20	7
2	2022й	21	3
3	2023й	51	5
4	2024й (1 сентябр ҳолатига)	30	4
Жами		132 та	19 та

Таҳлилдан кўриш мумкинки, давлат иштирокидаги корхона ташкил этиш учун жами 2021-2024 йилларда жами 122 та мурожаат келиб тушган бўлса, монополияга қарши курашиш органининг 103 та корхонага нисбатан ижобий ва 19 тасига нисбатан рад жавоби берилган. Таҳлилдан хулоса қилиш мумкинки, амалга ташкил этилган давлат иштирокидаги корхоналар сонининг монополияга қарши курашиш органи рухсат этганига нисбатан кўплиги ушбу жараён устидан таъсирчан назорат кучайтирилиши лозим.

Давлат идоралари давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг аффилиланган шахсларини ташкил этиш орқали хусусий сектор корхоналари учун бозорларни яратишга тўсқинлик қилади. Тенг бўлмаган рақобат шароитлари давлат иштирокидаги корхоналарда маҳсулот ва хизматлар нархини нархини пасайтириш, сифатини ошириш, илғор ишлаб чиқариш усуллари жорий этишга тўсқинлик қилади.

Давлат корхоналари учун қонунчиликда белгиланган бошқа талаблар ҳам уларнинг қўшимча ташкил этилишига ҳозирча чекланган миқдорда таъсир этмоқда. Хусусан, давлат иштирокидаги корхоналар товар ва хизматларни хари қилишда “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун доирасида шаффоф ва рақобатли тарзда ҳаракат қилишлари лозим. “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги қонунга [10] асосан, устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар креатив индустрия паркининг резидентлари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

**Хулоса**

Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибида давлат улушини кескин қисқартиришга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Турли иқтисодий фаолият турларини юритишда давлат иштирокидаги корхоналарга чекловлар

ўрнатилиши, харидлар, корпоратив бошқарув соҳасида давлат корхоналари учун алоҳида талаблар ўрнатилиши – давлат корхоналари сони кўпайиб кетишининг олдини олади деб ҳисоблаймиз.

Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш самарадорлигини ошириш, шу жумладан, бошқарувнинг узоқ ва қисқа муддатли мақсадлари ва вазибаларини белгилаш ҳисобидан уларнинг рақобатбардошлиги ҳамда инвестицион жозибадорлигини, корпоратив бошқарув даражаси ва ахборот шаффофлигини ошириш давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши сифатида белгиланган.

Фикримизча, давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш бўйича янги қабул қилинадиган ҳужжатларда давлат иштирокидаги ва нодавлат корхоналарнинг фаолият кўрсатиши учун тенг шароитлар яратишни эмас, хусусий сектор корхоналарининг фаолияти учун имтиёзли шароитлар яратиш масаласи белгиланиши зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Patricia Bachiller, University of Zaragoza | UNIZAR · Department of Accounting and Finance (FECEM). The Impact of Privatization on Economic Performance in European Companies, 2012.

2. D'Souza, J. & Megginson, W. (1999). The financial and operating performance of privatized firms during the 1990s. // Journal of Finance, 54 (4), 1397–1438.

3. Rodrigo Wagner. Can the market value state-owned enterprises without privatizing them? An application to natural resources companies. Resources Policy 59 (2018) 282–290, journal homepage: [www.elsevier.com/locate/resourpol](http://www.elsevier.com/locate/resourpol)

3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” (янги таҳрири), 2014 йил 6 май, ЎРҚ-370-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”, 2001 йил 6 декабр, 310-II-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”, 2023 йил 9 март, ЎРҚ-821-сон.

6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Рақобат тўғрисида”, 2023 йил 3 июл, ЎРҚ-850-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6019-сон фармони



8. [www.raqobat.gov.uz](http://www.raqobat.gov.uz) расмий сайти
9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”, 2024 йил 3 октябр, ЎРҚ-970-сон